



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



Муродбек ЗИЕ олган суратлар.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РИВОЖИ

янги иш ўринлари яратилишига замин ҳозирлайди

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ВА САНОАТ, ТРАНСПОРТ, ҚУРИЛИШ, КОМУНАЛ ХЎЖАЛИГИ, АЛОҚА ВА АҲОЛИГА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДОИМИЙ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН АНГРЕН ШАҲРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚЎШМА ЙИГИЛИШДА ШУ ҲАҚИДА СЎЗ БОРДИ.

Партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Харакат дастурида Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳри-

да маҳаллий хомашё асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда хизмат кў-

рсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгиланган эди. Бугунги кунда Ангрэн шаҳри аҳолисига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 900 дан ортиқ корхона, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Соҳа ривожини унун жорий йилда шаҳардаги тижорат банклари томонидан 1,6 миллиард сўм кредит ажратилиши кўзда тутилган. Бу эса кўпга янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Яқинда ЎзХДП Ангрэн шаҳар кенгаши ва депутатлик гуруҳи томонидан шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлилий ўрганилди. Мониторинг натижалари депутатлик гуруҳида қизгин муҳокама қилинди ва доимий комиссияда кўриб чиқилди. Ҳозирда эса уни халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритиш бўйича иш олиб борилапти.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРМАЙ

ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА МАВҶЕИНИ ЮКСАЛТИРИБ БЎЛМАЙДИ

ХАР БИР СИЁСИЙ ПАРТИЯ ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН МАҚСАДИГА ЭРИШИШДА, АВВАЛО, БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИМКОНИАТИГА ТАЯНАДИ. ЧУНКИ АЙНАН УЛАР ЭЛЕКТОРАТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ ҲИСОБЛАНАДИ. ОДАМЛАРНИНГ МУАММОСИНИ ЯҚИНДАН БИЛАДИ. ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИ ТАРҒИБОТИДА ҲАМ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

ШУ БОИС БУГУНГИ КУНДА УЛАРНИНГ НУФУЗИНИ ОШИРМАЙ, ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЖОНЛАНТИРМАЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА МАВҶЕИНИ ЮКСАЛТИРИБ БЎЛМАЙДИ.

ЎзХДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ РАИСИ ҚУВАТБОЙ ҚУРБАНБАЕВ БИЛАН ШУ ХУСУСИДА СУҲБАТЛАШДИК.

⇒ 2

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ГЛОБАЛ МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА

нодавлат нотижорат ташкилоти қандай ишляпти?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИДА БУ МУАММОГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК, ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДА БЕЛГИЛАНГАН. «ИСТИҚБОЛЛИ АВЛОД» НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТНИНГ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА БУНИНГ АҲАМИЯТИНИ КУЗАТИШ МУМКИН.

— Марказ ташкил этилганидан буён ўтган 11 йил ичида маҳаллий давлат ва нодавлат, халқаро ташкилотларнинг бевосита кўмагида одам савдосига қарши курашиш борасида ўзининг мақсадли гуруҳлари орасида тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйди, бу глобал муаммонинг олдини олиш, жабранувчиларга малакали ёрдам кўрсатиш учун мутасадди ташкилотларга йўналтирган алоҳида лойиҳаларни амалга оширди, — дейди «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот маърифат маркази раҳбари Нодира Каримова.

⇒ 3

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ БИОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИНИ ТАМОМЛАГАНМАН. 2001 ЙИЛДА БИОТЕХНОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА НОМЗОДЛИК, 2008 ЙИЛДА ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛДМАН. 2002-2005 ЙИЛЛАРДА КАЛИФОРНИЯ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ДОКТОРАНТУРАСИДА ТАҲСИЛ ОЛГАНМАН.



ЎЗБЕК БИОКИМЁ МАКТАБИ

эришаётган ютуқларда менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман

У ерда профессор Жорж Сакс илмий раҳбарлигида ошқозонда ишқор-синтез қилинадиган ферментни кашф этдик. Тадқиқотимиз 2005 йил физиология ва тиббиёт йўналишида Нобель мукофотига тавсия қилинди.

Бу биз учун, ўзбек биокимё мактаби учун ҳам юксак эътироф эди. 2009 йилда TWAS академияси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши ёш тадқи-

қотчиси» халқаро танловининг биология йўналишида голиб деб топилдим.

Ҳозирги кунда ЎзРФА биоорганик кимё институтида ишлаш билан бирга, ўзим ўқиган университетда талабаларга дарс бераман. Бугунги ёшларимизнинг илмий салоҳияти жуда баланд. Бу гапларни Калифорния университети талабалари билан ўзимизнинг ёшларни интеллектуал қобилиятини таққослаб ай-

таянган. Келажақда улардан жаҳон тан олган етуқ мутоҳассислар, генетик олимлар, Нобель мукофоти лауреатлари етишиб чиқишига ишонаман. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда биокимё соҳасида ҳам замонавий илмий мактаблар шаклланаётгани, бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Шоҳло ТУРДИҚУЛОВА,
биология фанлари доктори.

Муносабат

ХАЛҚИМИЗНИНГ НОНИ БУТУН

ЭРТАЛАБ ИШГА КЕТАЁТИБ ЁКИ ИШДАН ҚАЙТАЁТИБ, УЙДА НОН БОР-ЙЎҚЛИГИ БИЛАН ҚИЗИҚАМИЗ. БУ БИЗ УЧУН ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНГАН. ДАСТУРХОНИМИЗ ҚАНЧАЛИК ТЎКИН, НОЗ-НЕЪМАТЛАРГА ТЎЛА БЎЛМАСИН, БАРИБИР, УЛАРНИНГ ҲЕЧ БИРИ НОННИНГ ЎРНИНИ БОСОЛМАЙДИ.



Юқори сифатли технологияга асосланган ушбу ускуна бир кеча-кундузда ўн минг дона нон чиқармоқда.

Биз ҳамшаҳарларимизга нондек азиз неъматни етказиб бераётганимиздан фахрланамиз. Қолаверса, кўпгина ангрениклар корхонамизда меҳнат қилиб рўзгор тебратишмоқда. Биз яна «Ўзбеклизинг» компанияси билан ҳамкорликда нон линияси келтирмоқчимиз. Бу эса маҳсулот тури кўпайишига, сифати яхшилашига хизмат қилади. Шунингдек, қўшимча янги иш ўринлари ҳам яратилади.

Табриқда бугунги кунда юртдошларимиз ўз ҳалол меҳнатининг роҳатини кўриш орқали кадр-қиммат топаётгани таъкидланди. Бу ҳақиқатни айнан бизнинг корхона жамоаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Обиддин МАҲМУДОВ
ёзиб олди.

Хушxabар!

ТОШКЕНТДА ГРАН-ПРИ МУСОБАҚАСИ

Шоҳмот бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам унда қатнашади



Халқаро шоҳмот федерацияси (FIDE) президенти Кирсан Илюмжинов ўтган йили пойтахтимизда бўлган вақтида журналистлар саволига жавоб берар экан, Тошкентга Гран-при мусобақаларидан бирини бериш тўғрисида айтганди.

Юртимизда нуфузли шоҳмот мусобақасини кўриш орзуимиз ушаладиган бўлди. FIDE қарорига кўра, Тошкент шаҳри Лондон, Лиссабон, Мадрид, Берлин ва Париж шаҳарлари билан бир қаторда Гран-при мусобақаларидан бирини қабул қилади. Пойтахтимизда белгиланган иккинчи босқич ўйинлари шу йил 21 ноябрь — 5 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

Мусобақа низомига кўра, дунёнинг энг кучли 18 нафар гроссмейстери 6 босқичнинг тўрттасида дона суради. Чунки ҳар босқичда 12 нафар гроссмейстер мусобақага киришади. Улар орасида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳам бор.

Асрор МЎМИН

Бугунги сонда

Партиялараро баҳс

● **ФАҚАТ ҒОЯ БИЛАН ОБРЎ ҚОЗОНИЛМАЙДИ** яхши ғояга муносиб амалий ишлар ҳам бўлса, жамият манфаат кўради, партиянинг нуфузи ошади **2-бет**

Лондон

Олимпиадаси олтидан

Руслан НУРИДДИНОВ:

● **«ҒАЛАБАЛАРИМ ТАСОДИФ ЭМАСЛИГИНИ ИСБОТЛАЙМАН»**

4-бет

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҶАСИ РИВОЖИ

янги иш ўринлари яратилишига замин ҳозирлайди

Бахтиёр ЮЛДАШЕВ, ЎзХДП Ангрен шаҳар кенгаши раиси, шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Аҳолининг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ўсиб бораётган талабини қондириш энг аввало, янги иш жойлари очилиши, оилалар учун қўшимча даромад манбаи яратилишига замин ҳозирлайди.

2012 йил учун аҳолига замонавий турдаги хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш ва шу орқали одамларнинг, хусусан, электрот вакиллари бўлган кам таъминланган оила аъзолари, жисмоний имконияти чекланган бўлса-да меҳнатнинг муайян турига лаёқатли фуқаролар бандлигини таъминлаш бўйича шаҳар Дастури ишлаб чиқилди. Шунга асосан, жорий йилнинг биринчи ярмида жами 33 та хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш режалаштирилган эди, лекин амалда 69 та субъект ишга тушди. Бу бевосита партиямиз электорати манфаатларига дахлдор масала бўлгани учун партия ташкилотлари ва депутатлар тегишли ташкилотлар билан

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРМАЙ

— **Авалло, партия ҳаётида бошланғич ташкилотларнинг ўрни ҳақида тўхталсангиз.**

— БПТ фаоллиги, биринчи навбатда, унинг жойлардаги депутатлик гуруҳи билан ҳамкорлиги, уларнинг электрот орасига қанчалик чуқур кириб бориши, тарғибот-ташвиқот ишларини қай даражада йўлга қўйганида намоён бўлади. Бунда қуйи бўғин аъзолари партия дастурий мақсадларидан тўлиқ хабардор бўлиши, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши, етакчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билиминини мунтазам ошириб бориши жуда муҳим. Шундагина улар партиянинг том маънодаги қувватига айланади.

БПТ электрот манфаатига дахлдор зарур таклиф ва ташаббуслар билан чиқиши, одамларни ташвишга солаётган долзарб масалаларни кўтариши ва уларни бартараф этиш бўйича партиянинг юқори органи вакиллари ва депутатларга ўз тавсияларини бериши бугунги куннинг энг муҳим

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ФАҚАТ ҒОЯ БИЛАН ОБРЎ ҚОЗОНИЛМАЙДИ

яхши ғояга муносиб амалий ишлар ҳам бўлса, жамият манфаат кўради, партиянинг нуфузи ошади

БУГУН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРГА ФАОЛ ТАЪСИР КЎРСАТИШИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШИ УЧУН УЛАРГА ҚОНУН АСОСИДА КАТТА ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛГАН.

Бу имкониятлардан самарали фойдаланган сиёсий куч Сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган таклифлар беради, электрот вакилларини йилантираётган муаммоларни хал қилиш чораларини кўради. Шу йўл билан электрот манфаатини самарали ҳимоя этади, жамият тараққиётига хизмат қилади. Бундай партия ҳеч қачон сохта обрў талашмайди. Чунки амалий ишлари етарли, ўзига ишончи баянда бўлади. Эътироф этилишга лойиқ амалий иши бўлмагач эса одамларни чағлатишга ҳаракат қилади.

Газетамизнинг 7 июн сонида «Кўёш энергиясидан муқобил электр қуввати олинаётир» сарлавҳали мақолада «Адолат» СДП ўз дастурий ғояларини амалга оширишда сусткашлик қилаётгани ҳақида фикр билдирилган

ҳамкорликда бу борадаги муаммоларни аниқлаши ва улар ечими бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аҳолининг бандли даражасини оширади, кишилар эҳтиёжи қондирилади, шу билан бирга, қишлоқларда инфратузилма яхшиланиб, одамлар огири енгил бўлади. Демак, ҳудудларда соҳа тараққиёти учун барча имкониятларни ишга солиш, яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш керак.

Сирожиiddин АЪЗАМОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Бугунги кунда вилоятда жами 13739 та хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолият юритмоқда. Жорий йилда мазкур соҳада 26500 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг баённо-масига мувофиқ вилоят ҳудудларида «Аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари»ни ташкил этиш бўйича намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган **савдо-маиший хизмат мажмуаларини** ҳар бир туманда биттадан жойлаштириш юзасидан **18 та лойиҳани** амалга ошириш белгиланди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

талабидир. Ҳозирги пайтда ЎзХДП Қорақолғистон Республикаси Кенгашида 605 та бошланғич ташкилот жами 28719 аъзони бирлаштирган. Уларнинг кўпчилиги партия ташаббуси билан ўтказиладиган турли тадбирлар, давра сўхбатлари ва семинар-тренингларда мунтазам қатнашиб келади. Бундан ташқари, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказилаётган ўқув-семинарларни асосан бошланғич ташкилотларда ташкил этиш, уни амалий ва қизғин баҳс-мунозаралар асосида олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошланғич ташкилотлар қанча фаол бўлса, партия шунча кучли бўлади.

— **Қорақолғистон мисолида қайси БПТни бошқаларга ибрат қилиб кўсатишингиз мумкин?**

— Бу ҳақда гапирганда, энг аввало, Хужайли, Нукус, Аму-дарё, Беруний туманлари ва Нукус шаҳар Кенгашларида қуйи бўғинлар билан ишлаш тўғри ва тизимли йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз.

Масалан, Беруний туманидаги худудий ташкилот 27 аъзо-

сини бирлаштирган. Улар партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, ёшларни ўйлан-тираётган масалаларга депутатлар диққатини қаратиш, муаммоларга ижобий ечим топишда уларга кўмак бериш, шунингдек, ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш ва бунинг учун замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишда фаоллик кўрсатишмоқда. Бунда етакчи — Муқаддас Қурбонованинг ҳиссаси катта, албатта.

Айнан унинг ташаббуси билан бу ерда партия ғояларини давра келиб чиқиб, турли тадбирлар, сиёсий ўқув машғулотлари ва спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинади. Яқинда бу қуйи бўғинда «Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, электрот вакилларининг фаоллигини ошириш ЎзХДПнинг асосий вазифаси» мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

У амалий баҳс-мунозараларга бой ўтгани боис, кўпчиликда қизиқ уйғотди. Бу ҳам уларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришларига дахлдорлиги ортиб бораётганини кўрсатади.

Бундан ташқари, Хужайли те-

Бу марказларда 12 та, яъни чакана савдо шохобчаси, модалар ательеси, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, сарта-рошонна, суратхона, соат тузатиш, тўй салони, кимёвий тозалаш, маиший техникаларни таъмирлаш ҳамда минибанк каби хизмат турлари кўрсатилиши белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бирида **50 дан ортиқ янги иш ўрни** ташкил этилади. Бир сўз билан айтганда, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича вилоятимизда имкониятлар етарли. Шу сабабли депутатлар ҳамда партия ташкилотлари ҳамкорликда аҳолининг хизмат кўрсатиш турлари бўйича эҳтиёжини таҳлил этиб, соҳани ривожлантириш мақсадида худудий дастурлар

Шунингдек, ййғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуҳахд Набиев, халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Абдулла Юнусов, вилоят Транспорт департаменти раҳбари Сайфиддин Сирожиiddинов, республика Марказий банкнинг Тошкент вилояти бўлими бошқарувчиси Иброҳим Салимов ва бошқалар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган бизнес лойиҳаларни молиялаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам атрофлича гапириб, иштирокчиларнинг бу борадаги саволларига жавоб беришди. Тадбир сўнгида тижорат банклари томонидан мазкур соҳада фаолият бошлаш учун намунали бизнес-режа ишлаб чиққан электрот вакилларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

мир йўл шиғоҳонаси ва Нукус тиббиёт коллежи қошида ташкил этилган БПТ ҳам амалий фаолияти билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Чунки уларда талабчан, ўз ишига фидойий ва жонқур етакчилар жамланмишган.

— **Афсуски, баъзи бошланғич ташкилотлар суст фаолият кўрсатаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди...**

— Бошланғич ташкилот номига тузилмаслиги, одамларга фойдаси тегиши лозим. Бирок буни тўғри англаб олмаган, ўз ишида сусткашлик ва эътиборсизликка йўл қўйган ташкилотлар оз эмас. Масалан, Шуманай туманидаги бошланғич ташкилотларимиз фаолияти бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Яқинда ўтказилган таҳлиллар шунки кўрсатдики, бошланғич ташкилотлар депутатлар ва туман Кенгаши билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, энг асосийси электрот орасига чуқур кириб бориш, муаммоларини ўрганиш, улар ечими бўйича таклиф билдириш борасидаги имкониятлардан тўлалигича фойдаланилмаяпти. Партиянинг туман кенгаши раиси Қувватбой

ишлаб чиқиши, унга амалий таклифлар киритиши талаб этилади.

Бирок айрим туман кенгашлари бу масалага ҳамон эътиборсизлик билан қараётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, ўтган йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми аҳоли жон бошига ўртача 1 миллион 500 минг сўми ташкил этган. Таҳлиллар натижаларига кўра, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Пискент ва Оқкўрғон туманларида бу кўрсаткич ўртача кўрсаткичга нисбатан 3 баробар паст. Бундан ташқари Бекобод, Бўстонлик, Бўка ва Ўрта Чирчиқ туманларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифатини талаб даражасида, деб бўлмайди. Соҳада шундай камчиликлар бор экан, мазкур туман партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари сессиялар муҳокама-сига шу бўйича масала олиб чиқмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Биз фаолиятимиздаги бу каби камчиликларни, партия фаоллари ва депутатлардаги ўзибўларчилик кайфиятини бартараф этмасак, қўзланган мақсадга эриша олмаймиз.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Уразимбетов бу масалаларга совуққонлик билан қараб келган.

Демак, ҳали партия етакчиларини танлаш, уларнинг БПТ билан ишлаш тизимини назорат қилиш, бу борада уларга тегишли таклиф ва тавсиялар бериш, керак бўлса, қўлланмалар ишлаб чиқишда камчиликларимиз оз эмас.

Ҳозирда бу масалаларга етарли эътибор қаратмаётган туман кенгашлари раҳбарлари олди-га аниқ вазифалар қўйди. Чунки, уларнинг лоқайи ва бепарво юриши одамларнинг партияга бўлган ишончини йўқотаяди. Бундай етакчилар билан эса келиш олмаймиз. Аксинча, ташкилотчи, куч-ғайратга тўла фаол ёшларни қўллаб-қувватлашга, улар учун «мастер-класс» тизимидаги ўқув-машғулотлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаямиз. Бир сўз билан айтганда БПТ партиянинг пойдевори, асосий таянчи ҳисобланади. Шу боис уни мустаҳкамлаш партиямиз тараққиётини белгилаб берувчи энг асосий омиллардан эканини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ сўхбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

масини яратиш» лойиҳаси бўйича кичик ва ўрта саноат корхоналарининг иссиқ сув ва паст босимли бугга бўлган талаби ўрганиб чиқилди. «Оқори энергия самарадорлигига эга қуёшли сув коллекторларини тадқиқ этиш ва оптимал қўёшли иситиш тизимини яратиш» лойиҳаси бўйича аналитик формулалар яратилди.

Олимпларнинг таҳлил ва таклифларига манфаатдор давлат идоралари, кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, унинг амалий ечимини ишлаб чиқиш ва депутатлик корпуслари орқали зарур қарор, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишига эришиш ҳамда оммавий қўлланмиш механизмларини ишлайтиб юборишда ташаббускорлик кўрсатиш ғояга даъвогар «адолат»чиларнинг бирламчи вазифаларидан эмасми? Бу борада илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимпларнинг айтишича, уларнинг бирон-бир ишларига «адолат»чиларнинг дахли йўқ.

2011 йилнинг сўнгги ойлари эди. Фарғона вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан вилоятдаги олимплар ва ишлаб чиқарувчиларнинг маслаҳат кенгаши ўтказилди.

— Бир неча ўн йиллар мобайнида илмий изланишларнинг натижасини амалиётга қўллаш муаммоси менга тинчлик бермасди, — дейди «Адолат» СДП аъзо-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Партиямиз аъзолари орасида электрот манфаатига хизмат қиладиган ҳаётий таклиф ва ташаббуслар билан чиқаётган, амалий ишлари билан кишилар хурмат ва эътиборини қозонаётган фаоллар кўп, — дейди Жижзах вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Мўътабар КАРИМОВА.

АМАЛИЙ ИШЛАР КЎПАЙСА

сиёсий партиянинг жамият ҳаётидаги таъсири ортади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Биз партия дастурий мақсадларига ҳамоҳанг амалий ҳаракатларни, ташаббусларни изчиқ қўллаб-қувватлаб келяпмиз. Натижада ўтган йил давомида ва жорий йилнинг шу даврига қадар партиямиз аъзолари томонидан 137 та кичик корхона ва фермер ҳўжаликлари ташкил этилди. Уларда бугун 632 нафар электрот вакили меҳнат қилмоқда.

Партиямиз фаоли Хуршид Қувноков «Айдар-Ардасой кўллари тизими»нинг Форш тумани худуддаги қисмидан 500 гектарлик сув ҳавзасини ижарага олиб, балик ишлаб чиқариш кичик корхонаси очиш

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ГЛОБАЛ МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида мавзуга оид ахборот семинарлари, давра суҳбатлари ва таълим муассасалари — мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида, маданият ва истироҳат боғларида турли акциялар ўтказиб келинмоқда.

Ўтган давр мобайнида ижтимоий ҳамкорлик доирасида ўтказилган тадбирларга республиканинг жами 8350 та маҳалла фуқаролар йиғинлари қамраб олинган бўлса, ушбу тадбирларга 5 000 000 дан зиёд аҳоли, мақсадли гуруҳ вакиллари жалб этилган.

Марказ томонидан ташкил қилинаётган семинар тренинглар ҳам муаммога қарши курашда ўз самарасини бериши табиий. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ўтказилган тадбирда улар қалитс гуруҳлар билан ишлаш бўйича ҳамкорлик тармоғи, ўз вақтида тезкор ёрдам бериш тизими ҳақида маълумот олиб, заиф гуруҳлар билан конструктив диалог олиб бориш бўйича тажриба алмашадилар, қўшимча ахборот ва маълумот олади-

лар бўлган эди, бугунги кунда эса аксарият муносабатларида чет давлатларга қонуний чиқиш, бошқа давлатларга кириш тартиблари, ишлаш учун бормоқчи бўлган давлатларда ўз меҳнат хавфсизлигини ҳимоялаш, яқинлари чет давлатларда одам савдоси билан боғлиқ муаммоларни вазиятда қолган бўлсалар, уларга ёрдам кўрсатилиши каби масалаларни кўтаришмоқда.

— Муносабатларнинг мазмун-моҳиятига кўра тўғри бўлиши, кейинги пайтда сон жиҳатдан сезиларли даражада камийганини мамлакатимизда одам савдоси муаммосига қарши курашиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ўтказилаётган кенг кўламли ишларнинг самарали натижаси, деб биламан, — дея таъкидлайди марказ оператори Динара Шарафутдинова.

Муносабат қилувчилар чет давлатларда шартнома ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш орқали ишлашнинг афзал билинапти. Саволлар мазмуни ҳам буни ифодалайди — хорижда ишлаш учун қайси давлат органларига мурожаат қилиш керак, қандай ҳужжатлар-

ташкilotларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Жабрланувчини ўз уйига қайтариш бўйича мурожаат қилувчи ҳар бир фуқаро билан бўлган суҳбатдан кейин чора-тадбирлар режаси тузилди. Жабрланувчида қабул қилинган охириги телефон рақами, унинг тахминий манзили, яшаётган ёки ушлаб турилган жойнинг тахминий мўлжали, иш бевуви, уларни ушлаб турган шахсларга тегишли бошқа маълумотлар аниқланади.

Аёлнинг мурожаатига асосан турмуш ўртоғи Э.дан қабул қилинган телефон рақамига кўнғироқ қилинди. Суҳбат жуда қисқа бўлди. Жабрланувчи ҳужжатлари куч ишлаш йўли билан олиб қўйилганлиги, аҳоли оғирлиги ва тез ёрдамга муҳтожлигини айтишга улгурди холос. Уша мамлакатда фаолият юритувчи Миграция бўйича Халқаро ташкilotга мурожаат қилинди. Давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан мунтазам алоқада бўлган ушбу ташкilot ҳам ўз навбатида масалага ойдинлик киритди. Жабрланувчини мамлакатга қайтариш вазифаси қолди, холос. Яқинлари ва марказнинг ижтимоий ходим-

осонлиги ва даромадлисини кўзлайди.

— Соддаликлари, ҳуқуқий саводсизликлари туфайли одам савдоси қурбонига айланган, ҳам руҳий ҳам жисмоний азоб-ўқубатларга дучор бўлганларга ҳам кимдир ёрдам бериши керак-ку? — «Истиқболли авлод» маркази психологи ва Одам савдоси жабрланувчиларига реинтеграция ёрдами лойиҳаси раҳбари Дилфуза Йўлдошеванинг кўнрақчилиги билан айтган бу гаплардан юқоридаги қарашлар тез тарқаб кетади.

У мулоимлик билан суҳбат давомида бугунги кунда амалга оширилаётган катта бир лойиҳа ҳақида бошқичма-бошқича маълумот бера бошлади:

— Одам савдосидан жабрланганларнинг жамиятга қайта мослашишида мутахассисларнинг тўғри кўрсатган йўл-йўриқлари, ҳаётий кўникмаларини тўғри шакллантиришнинг ўрни катта. Марказимиз томонидан амалга оширилган белгиланган бу лойиҳа ҳам шундай ёрдамларни кўрсатишга қаратилган. Муаммодан жабрланган аёлларга узок муқаддатли реинтеграция ёрдами кўрсатиши, уларда мустақил ҳаёт кечириши, келажак режаларини тузиши, тежамкорлик ва уй-ўрғзор ишларини юритиш кўникмаларини қайтадан шакллантириш муҳим ҳисобланади. Бу борада амалий машғулотларни ташкиллаштириш, касбга оид кўникмаларга эга бўлиш имкониятини кенгайтириш, ишга жойлаштириш ва доимий сармоёга эга бўлишига кўмаклашиш одам савдосидан жабрланганларнинг ҳаётларини қайтадан изга солишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

«Л» исми қиз 7 йил болалар уйида тарбия қўрган. Унинг ота-онаси ичкиликка берилгани сабабли ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган эди. 9-синфни битиргач, у коллегага ўтказилган. Коллежнинг иккинчи босқичида ўқиётганда, унинг болалар уйидаги собиқ тарбиячиси — Нафиса Икромовна унга ва бошқа бир неча қизларга чет давлатда ишлашни таклиф қилган. Собиқ тарбиячи, ўз гаразли мақсадига етиш учун қизларни алдаб, уларнинг ҳаётга бўлган умид ва ишончларини аста-секинлик билан сўндириб, ўз йўлига солиб борди... Охири у қизларни хорижда жўнатди. «Л» у ерда Салима исми аёл қўлида 7 ой давомида ишлади, тўғривоғи ишлашга мажбур бўлди. Салима уни бошқа қизлар қатори фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилди.

Лина у ердан қочиб чиқиб, полицияга мурожаат қилди, қонун бузуви сифатида уни иммиграция қамоқхонасига топширишди ва суд ҳукми билан белгиланган жазо муқаддатини ўтаб чиқишга мажбур бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик ваколатхонаси Линага кўмаклашиб, ватанга қайтиши учун ҳужжатларни расмийлаштирди. Ўзбекистонга келгандан сўнг Лина унга қайтишда кўмаклашган «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот маърифат марказига мурожаат қилди. Лина ошпазлик курсларида ўқиди. Ҳозир у ўз касбининг моҳир устаси. Шахсий ҳаёти ҳам йўлга тушган, ўзи каби ошпаз йигитга турмушга чиқди, бир нафар фарзанди бор.

— Ҳаётга қайтишида, жамиятда ўз ўрнини топишда марказ менга катта ёрдам берди. Биздай адашганларга тўғри йўл кўрсатадиган шундай ташкilot, жонқур одамлар борлиги учун раҳмат, — дейди Лина.

Бундай миннатдорчилик сўзлари оз эмас. Демак, нодавлат нотижорат ташкilotи ўз олдига қўйган мақсадларга эришяпти.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Хориж

УЛКАН ОЙНА
ЎРНАТИШ ЛОЙИҲАСИ

қуроқчиликка сабаб бўлиши мумкин

ГЛОБАЛ ҲАРОРАТ КЎТАРИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ҒОЯ ЎТГАН ЙИЛИ БМТ ДОИРАСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН ЭДИ. ЯЊИ МАЗКУР ҒОЯ ЕР ОРБИТАСИГА ЖУДА УЛКАН ҲАЖМДАГИ ЮПКА ОЙНА ЎРНАТИШ ЛОЙИҲАСИНИ НАЗАРДА ТУТАДИ. БУ ОЙНА ҚУЁШДАН КЕЛАЁТГАН НУРЛАРНИНГ МАЪЛУМ ҚИСМИНИ ОРГА — ФАЗО КЕНГЛИКЛАРИГА ҚАЙТАРИБ, ЕРНИ ХАДДАН ЗИЁД ИСИБ КЕТИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ.

Бу ишга киришишдан олдин немис олимлари ғояни ҳар томонлама ўрганиб чиқдилар.

Макс Планк номидаги метеорология институти илмий ходими Хаук Шмидтнинг айтишича, бундай улкан ҳажмдаги ойна ҳақиқатан ҳам сайёрамиз ва дунё океанлари ҳароратини сезиларли тарзда — 13,6 даражага пасайтириши мумкин. Бироқ унинг салбий таъсирини ҳам назардан қочирмаслик лозим: ҳароратнинг пастлаши тропик ўлкалардагина кузатилади, кўтларда эса аксинча — ҳарорат ортилади. Шимолӣ ва Жанубий Америкада, Евроосиёнинг шимолӣ қисмида ёгингарчилик миқдори 10-20 фоизга камайиб кетади. Бу эса ўз-ўзидан қуроқчиликни юзага келтиради, дея башорат қилишмоқда.

Олимлар булутлар рангини денгиз сувлари ёрдамида оқлаб чиқиш ғоясини ҳам илгари сурмоқдалар. Оқланган булутлар қуёшдан келаётган нурларни фазога қайтарган ва ерга камроқ иссиқлик келади. Шунингдек, сайёрамиздаги барча уйлар томларини оқ рангга бўяш ҳамда стратосферага аэрозол чангини секиб чиқиш ғоялари ҳам ўрганилмоқда.

АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ОҒИРЛИГИ

қанчалигини биласизми?

АСЛИДА ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИНИНГ УМУМИЙ ОҒИРЛИГИ ШУ ПАЙТГАЧА ҲЕЧ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИБ КЎРИЛМАГАНДИ. БУ ҲИСОБ-КИТОБ КИШИЛИК ЖАМИЯТИ УЧУН ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ХАРАКТЕР ЭКИ БИРОР-БИР АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМАСА-ДА, АММО ОДАМЗОТ УЧУН БАРИБИР ҚИЗИҚ. ШУ БОИС ҲАМ ЛОНДОНДАГИ ГИГИЕНА ВА ТРОПИК ТИББИЁТ МАКТАБИ МУТАХАССИСЛАРИ 7 МИЛЛИАРДДАН ОШГАН ОЛАМ АҲОЛИСИНИНГ ЎРТАЧА ОҒИРЛИГИНИ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИБ ЧИҚДИЛАР.

Маълум бўлишича, дейилади «Мир новостей» газетасида чоп этилган хабарда, сайёрамиз одамларининг умумий оғирлиги 287 миллион тонна ташкил этаркан. Бу 7 миллиард аҳолига нисбатан меъёрдан анча ортиқдир.


Тадқиқот иштирокчиларидан бири Иан Робертснинг айтишича, кўпчилик кишиларнинг ортиқча вазнага эгалиги рақамлар салмоғини оширган.

Оғир вазнага эгалик борасида АҚШ биринчи ўринда бўлиб, бу ерда ўртача америкаликнинг ўртача вазни 81 килога тенг, осийликлар эса 58 килолик тош босади. Европанинг ўнлаб мамлакатлари фуқаролари ҳам вазн борасида Америка аҳолисидан қолшмас экан.

Сайёрамизда «тоши» оғирларнинг умумий вазни 15 миллион тонна ташкил этгани ҳолда, уларнинг 3,5 миллион тоннаси семизлик касалига гирифтор бўлганлардир.

Олимларнинг таъкидлашларича, кам ҳаракатлилик, яъни доимий ўтириб ишлаш, пийда эмас, балки доимо автомобилда юриш ортиқча вазн тўплашнинг асосий сабабларидандир.

Энг кам вазнлилар кунчиқар мамлакатда бўлиб, японларнинг ўртача вазни 22 килодан ошмас экан.



лар. Оммавий ахборот воситалари ходимлари эса одам савдоси қурбонини идентификация қилиш, уларга нисбатан жамоатчиликнинг салбий муносабатини, стереотипларини ўзгариштириш, бу мавзунинг ёритишда конфиденциалликка риоя этиш масалалари бўйича кўникмага эга бўлиб, давлатимиз томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан кенг қамровли танишиш имконига ҳам эга бўладилар, ўзаро фикр алмашадилар. Ушбу тадбирлар нафақат одам савдоси муаммосининг олдини олиш, балки жамиятимизда вояга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликлар сонининг камайишида ҳам муҳим аҳамият касб этапти.

Рақамлар ўз йўлига, ташкilot ходимларининг кундалик иш жараёнига назар ташласангиз муаммонинг сабаб ва оқибатлари, уларни бартараф этиш учун қай даражада жонқурлик билан ишлаётганларнинг гувоҳи бўласиз.

Бу ердаги деярли бутун фаолият 276-94-44 рақамли долзарб алоқа тармоғига бўлган мурожаатлар кўнғироқлардан бошланади, десак янглишмаймиз. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бу каби тармоқ марказ ва унинг жойларда одам савдосининг олдини олиш ва қарши курашиш бўйича фаолият юритувчи ижтимоий ҳамкорлик тармоқлари қошида ҳам муҳим.

Ихтисослаштирилган ўқув дарсларида малакаларини оширган операторлар фуқароларнинг мурожаатларини қабул қиладилар ва тегишли маслаҳатлар берадилар.

Тармоқ янги иш бошлаган кезлари мавзуга оид бўлмаган турли хилдаги ижтимоий масалалар билан ҳам мурожаат-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ни тайёрлаш керак, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида юрист маслаҳатидан фойдаланиш учун қайси ташкilotларга мурожаат қилиш мумкин? Табиийки, операторлар бу саволларга Ўзбекистон Республикаси ва мурожаат қилувчилар бормоқчи бўлган давлатларнинг амалдаги қонунчилигига асосланиб жавоб беришади.

Афсуски, долзарб алоқа тармоғи орқали одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар ҳам қайд этилиб, бу бўйича мурожаатлар жабрланувчиларнинг ўзлари, яқинлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқалар орқали қабул қилинади. Масалан, Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи ўрта ёшлардаги аёл кўнғироқ қилиб, темир йўл таъмирлаш бригадасида ишлаётган турмуш ўртоғи танишларининг катта маош ҳақидаги ваъдаларига ишониб, бир неча ҳамқишлоқлари билан кўшни давлатга кетганини айтди. Чамаси етти ойлардан сўнг турмуш ўртоғи билан бирга кетган шерикларидан бири нохуш хабар етказган. Ўзи қочиб келганини, аёлнинг турмуш ўртоғи қўйин аҳволда қолганини, шарт-шароитлар яхши эмаслигини айтган.

Мурожаат қабул қилинган, албатта тегишли ташкilotларга — ички ишлар идораларига, ўша давлатдаги ҳамкор ташкilotларга хабар берилади. Марказ ижтимоий ходими ҳам вазиятни ўрганишга киришади. Шахсни юртига қайтариш учун тегишли чоралар кўрилади.

Одам савдосига қарши курашиш ва жабрланувчиларни ўз юртига қайтишларида марказ юристининг маслаҳатлари ҳам муҳим бўлиб, бу нафақат жабрланувчиларнинг ҳуқуқларининг ҳимояси, балки, белгиланган давлатда азият чекаётган шахсга кўмаклашиш ва унга тегишли ёрдам кўрсатилишида, ҳамкор



лари томонидан жабрланувчининг Ўзбекистон фуқароси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўпланди. Икки мамлакатнинг қатор давлат органлари ва элчихоналарининг кўмагида жабрланувчининг ватанга қайтиши ҳақидаги сертификат расмийлаштирилди. Қутиб олинган Э.нинг саломатлиги бир аҳволда, шу сабабдан ҳам кечиктирмай дарҳол тиббий ёрдам олиш учун соғлиқни сақлаш муассасасига йўналтирилди.

Ҳуқуқшуноснинг иши шу билан тугамайди. У жабрланувчига ҳуқуқий маслаҳат берав экан, у билан юз берган ҳолатда одам савдоси билан боғлиқ жиноят элементлари мавжуд эканини айтиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкilotларга ариза ёзишни тавсия қилди. Судга бўлган мурожаат ўз самарасини берди, жиноятчилар тегишли жазосини олди. Жабрланувчи малакали ишчи бўлиб, муқим иш ўрни ва барқарор даромадга эга эди. Судда булар ҳисобга олинди. У кўрган моддий ва маънавий зарар айбдорлардан ундирилди.

Одам савдоси жабрланувчиси даромад нуктаи назаридан психологлар учун потенциал миқдор эмаслиги ҳеч қандай изоҳсиз ҳаммага аён бўлса керак. Узингиз ўйлаб кўринг, тўкин ҳаёт ва бекорчиликдан зерикиб келишолмаямиз, деб мурожаат қилган ёш эр-хотинга ёрдам кўрсатган маъқулми ёки ҳеч вақосиз қолган, кўрган ўқубатлари сабабли ҳаётдан кўнгли совиб кетган жабрланувчини ҳаётга қайтариш масъулиятини зиммага олган афзалми? Хусусий амалиёт юритаётган психолог, албатта, ишнинг

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

ранее объявленные открытые тендерные торги по приобретению «Химического гранулированного антигололедного реагента» в количестве 128 тонн для дальнейшего удаления льда и снега на территории аэродрома а/п «Ташкент» в зимний период 2012-2013 года прием заявок тендерных предложений продлевает с 20 июля до 3 августа 2012 г. включительно.

КОНТРАКТНЫЕ УСЛОВИЯ

Условия платежа: 30 % — предоплата в течение 20-25 дней со дня вступления контракта в силу; 70 % — в течение 15-20 дней по факту поставки товара и оформления груза в импорт 40 (свободное обращение).

Валюта платежа: доллар США.

Условия поставки товара: СІР или DAP — Ташкент.

Срок поставки товара: по возможности сжатый, но не более 70-80 дней со дня проведения авансового 30 % платежа.

ТЕНДЕРНЫЕ УСЛОВИЯ

В тендере могут принять участие как иностранные фирмы и организации, так и отечественные производители (поставщики), выполнившие предъявляемые условия для участия в нем, имеющие опыт поставки соответствующих объемов закупаемой на тендерной основе продукции. Победитель тендера должен обеспечить сохранение стоимости контракта в течение 12 месяцев со дня объявления его победителем.

К участию в тендере не допускаются организации и фирмы, находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в установленный срок все необходимые документы, не надлежаще исполняющие принятые обязательства по ранее заключенным договорам, учрежденные менее 6 месяцев до объявления тендера, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиками, не отвечающие требованиям тендерной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

Инструкция участника тендера выдается только по поданной заявке в письменной форме на русском языке.

Претенденты, желающие принять участие в тендере, могут получить тендерную документацию, которая предоставляется каж-

дому претенденту на платной основе.

Стоимость тендерной документации составляет 100 долларов США.

Получение тендерной документации производится после предоставления копии платежного поручения на указанную сумму.

Резиденты Республики Узбекистан оплачивают указанную сумму в национальной валюте по курсу Национального банка на день оплаты. Оплата за тендерную документацию не возвращается.

Расчетный счет в долларах США:

22696840400185981057.

Расчетный счет в суммах РУз:

22696000800185981001.

В ОАКБ «Asia Alliance Bank» г. Ташкента Республики Узбекистан. МФО (код банка) 01057, ИНН 200640719, ОКОНХ 51300, SWIFT: ASAC UZ 22.



ЗАЯВКИ НА ТЕНДЕР И ТЕНДЕРНЫЕ ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПРИНИМАЮТСЯ ПО АДРЕСУ

Рабочий орган Тендерной комиссии.
Куда: Узбекистан, 100167, г. Ташкент, Аэропорт ГА, ул. С. Толипова.
Кому: Тендерная комиссия, председателю Тендерной комиссии а/п «Ташкент» Хакимову Б. И.
Телефон: (99871) 140-28-88. Факс: (99871) 140-28-00,
E-mail: Omts.tas@uzairways.com.
Дополнительную информацию для участников тендера можно получить по следующим контактам:
Тел./факс: (99871) 255-46-59, моб. тел.: (99897) 710-22-53.
Срок приема заявок для участия в тендере осуществляется до 17.00 1 августа 2012 года включительно.
Срок приема тендерных предложений осуществляется до 17.00 3 августа 2012 года включительно.

Реклама

Руслан НУРИДДИНОВ: «ҒАЛАБАЛАРИМ ТАСОДИФ ЭМАСЛИГИНИ ИСБОТЛАЙМАН»



БУОК БРИТАНИЯДА БЎЛАДИГАН XXX ЭЪГИ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИДА ИЛК МАРОТАБА ЎЗБЕКИСТОН ОФИР АТЛЕТИКА ТЕРМА ЖАМОАСИ ЭНГ КЎП — ОЛТИ НАФАР СПОРТЧИ БИЛАН ИШТИРОК ЭТАДИ. АЙНИ ПАЙТДА ОФИР АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДАГИ ЧОРВОҚ ЎҚУВ-МАШҒУЛОТЛАРИ БАЗАСИДА СЎНГИ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ОЛИБ БОРИШАЁТИР.



— Ёдингизда бўлса, бундан тўрт йил муқаддам Пекин олимпиадасида икки нафар спортчимиз — Мансурбек Чашимов ҳамда Шерзод Юсуповлар юртимиз шарафини ҳимоя қилганди, — дейди **Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси бош котиби Шахрулло Махмудов.** — Унда оғир атлетикачиларимиз голиб ва совриндорлар сафига қўшилмаган бўлса-да, кучли ўликдан жой олишганди. Бу натижа ўз ишимизга бўлган масъулиятни ошириш билан бирга янги истеъдодларни кашф қилиш, юқори натижаларни кўлаб меҳнат қилишга ундади. 2010-2011 йилларда Анталая ҳамда Париж шаҳарларида ўтган жаҳон чемпионатларида терма жамоамиз аъзолари Лондон олимпиадасига бешта йўланмани кўлга киритди. Бунда аввало Президентимизнинг «Ўзбекистон Рес-

публикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буок Британия)да бўлиб ўтадиган XXX эъги Олимпиада ва XIV Паралимпиада уйинларида иштирок этишига тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори спортчиларимиз эришаётган юксак муваффақиятларда муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлашим зарур. Агар Олимпиада уйинлари тарихига назар ташласак, бунгача бирорта аёл спортчи оғир атлетика бўйича майдонга тушмаганди. Шу йилнинг баҳорида Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси аъзолари Лондон олимпиадасига битта йўланмани кўлга киритишди. Унда жаҳон чемпиони Марина Сисоева (48 кг) силтаб кўтариш баҳсларида бронза, иккикурашда кумуш медал совриндори бўлди. Яна бир спортчимиз Махлиё Тоғаева эса даст кўта-

ришда кумуш, иккикураш натижасига мувофиқ, бронза медали билан тақдирланди. Яқунда ўзбек спорт тарихида илк маротаба иқтидорли спортчимиз Марина Сисоева XXX эъги Олимпиада уйинларида майдонга киши имкониятига эга бўлди. Лондон олимпиадасининг эркаклар ўртасидаги баҳсларида Руслан Макаров (56 кг), Баҳром Мендибоев (69 кг), Шерзод Юсупов (85 кг), Руслан Нуриддин (105 кг) ҳамда

Иван Ефремов (105 кг)лар Ватанимиз шарафини ҳимоя этишади. Мураббийларимиз улар орасида, айниқса, бир неча карра Осиё чемпионати ҳамда жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Руслан Нуриддинов имкониятларини юқори баҳолашмоқда. — Барчага маълумки, охириги жаҳон чемпионатида Сиз 94 кг вазн тоифасида майдонга чиққандингиз. Лондон олимпиада-

сида эса бошқа вазн тоифасида ўз омадингизни синаб кўрасиз. Бу қийинчилик туғдирмайдими? — Инсон физиологиясининг ўзгаришини табиий жараён сифатида қабул қиламан. Утаётган вақт киши вазнига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ҳозир мураббийларим Ойбек Тургунов ҳамда Жефер Топчуларнинг маслаҳат ва кўрсатмаларига таянган ҳолда Лондон олимпиадасига пухта тайёргарлик кўряпман. Бу 105 кг вазн тоифасида мен учун биринчи халқаро мусобақа саналмайди. Шу йил Жанубий Кореяда ўтган Осиё чемпионатида илк маротаба катнашдим. Унда бор маҳоратимни ишга солиб, ўз мақсадимга эришдим. Бундай ғалабалар менга ўзгача руҳ ва янги зафарлар учун илҳом беради. — Лондон олимпиадасида ўз имкониятларингиз хусусида қандай фикрдасиз? — Оила аъзоларим, дўстларим ва бутун халқимиз мендан ғалаба кутишаётганлигини қалбдан ҳис қилишган. Олимпиадада ғалабалар осонликча кўлга киритилмайди. Мен эса унда ҳозиргача кўлга киритган ғалабаларим тасодиф эмаслигини исботламоқчиман. **Эркин ХОЛБОБО сўхбатлашди.**



Оила ҳақидаги ҳикमतлар

Эй, қизим! Рашк қилишдан сақлангин, чунки у ажралиб кетишининг калитидир. Эрингга ҳадеб гина қилишларни ман қиламан, чунки у нафратни уйғотади. Яхшиси сен ўзингга зийнат, пардоз бергин. Ўз эрингни кўрганда, хушчақчақ бўлган вақтида сен хафалиқдан, у хафа бўлган вақтида сен хушчақчақликдан сақлан. Эринг сирини фош этмагин, акс ҳолда унинг олдида ўзингни камситган бўласан.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

ОБ-ҲАВО 21-22 – 07. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+21 / +26
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+20 / +25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+19 / +24
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+20 / +25
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+19 / +24
Тошкент шаҳри	+21 / +23
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+15 / +14
Париж	+12 / +12
Москва	+13 / +13
Мадрид	+20 / +20
Пекин	+21 / +21
Гонгконг	+28 / +27
Рим	+21 / +21
Афина	+25 / +25
Токио	+19 / +21
Стокгольм	+8 / +8
Кейптаун	+10 / +10
Қоҳира	+30 / +32
Гавана	+25 / +25
Вашингтон	+21 / +21

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 30-уй, 7-хонадон эгаси Тағрибберганов Мурат Баба-нович номига берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Фарход кўчаси 17-уй, 64-хонадон эгаси Ташбаев Ильхомжон Халмаҳматович номига 1993 йил 10 августда берилган 08-21/286-сонли мулкка эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Миллий матбуот марказида

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН «СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ: УНДА КИМ ҚАНДАЙ ИМТИЁЗГА ЭГА? СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА БЕПУЛ ВА ПУЛЛИК ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ҚОИДАЛАРИ» МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ВАЗИРЛИК ҲАМДА УНГА ҚАРАШЛИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

БЕПУЛ ВА ПУЛЛИК ТИББИЙ ХИЗМАТ

Тадбирда вазирнинг биринчи ўринбосари Анвар Алимов мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон манфаатларини муҳофазалаш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда юксак самара бераётганини таъкидлади. Шунингдек, жорий йилдан бошлаб, тизимдаги тиббиёт муассасаларида пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми умумий хизматнинг 5 фоизини ташкил этаётгани, 95 фоизи эса давлат маблағлари ҳисобидан қопланаётганлигини, шу ўринда айрим давлатлардаги тегишли рақамлар билан солиштирилганда пуллик хизматлар улushi мисол учун Францияда 20-30, Германияда 35, Россияда 25 фоизга тенг экани тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига асосан, давлат даволаш-профилактика муассасалари томонидан аҳолига кафолатланган тиббий ва бошқа турдаги ёрдам беғул кўрсатилади. Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмидан ташқари хизматлар қўшимча ҳисобланади ва белгиланган тартибда пул тўлаш орқали амалга оширилади.

Тадбирда республикада яратилган шовилчин тиббий ёрдам тизимининг аҳолига самарали хизмат кўрсатиб келаётгани алоҳида таъкидланди. Ҳозирги кунда республика шовилчин тиббий

ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги филиаллари ҳамда шаҳар, туман марказий шифохоналари шовилчин тиббий ёрдам бўлимларида аҳолига барча шовилчин ва тез тиббий ёрдам беғул кўрсатишмоқда. Беғул ва пуллик тиббий хизматлар кўрсатиши тақомиллаштириш мақсадида, Вазирлик томонидан 2009-2011 йилларда 10 га яқин меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, бир неча маротаба тиббиёт муассасалари раҳбар ва масъул ходимлари учун ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида, 2012 йил 1 апрелдан эксперимент тарзида Тошкент шаҳридаги 11 та ихтисослаштирилган марказ ва клиникalarda фуқаролар учун ахборот хизматлари ташкил этилди. Мазкур ахборот хизмати беморларга уларнинг қонуний ҳуқуқларини, беғул дори-дармон билан таъминлаш, беғул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш бўйича маълумот бериш биланмаҳкамлаш ва тушунтириш ишларини олиб бориш каби вазифалар юклатилди.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан даволаш-профилактика муассасаларида «Ишонч телефони» ташкил этилиб, беғул ва пуллик тиббий хизмат турларига оид маълумотлар ёзиб қўйилгани, одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тошхетир ХУДОЙҚУЛОВ

Мулоҳаза

ТЎЙ ОБРЎ ТОПИШНИНГ «ЗАМОНАВИЙ» УСУЛИМИ?

СЎНГИ ПАЙТЛАРДА АЙРИМ ТЎЙ-ҲАШАМЛАРДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА, МАЪНАВИЯТИМИЗГА ЗИД ҲОЛАТЛАР КУЗАТИЛМОҚДА. ТЎЙЛАРНИ ВА БОШҚА ТАДБИРЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ, ОРТИҚЧА ИСРОФГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ БЎЛИБ ТУРИБДИ. ШУЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ҚОШИДА «ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ» ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



Одамларимиз қўлини дуога очганида «Топган-тутганини тўйларга буюрсин», дейди. Бу яхши қўлларимиз кўпайсин, ҳалол меҳнат ортидан келадиган даромадимиз фақат эзгу ниятларимиз рўёбига хизмат қилсин, дегани.

Халқимизнинг яхши одатлари, бошқаларга ибрат бўлишга арзиғулик бўлган фазилатлари кўп. Ота-оналаримиз фарзандининг бахту-саодати, камоли учун ҳар нарсасига тайёр туради, унинг учун борини баҳшида этади. Бу айниқса, тўйларимизда янада ёрқин намойён бўлади. Шу кун барча эзгу хислатлар, аждодлардан мерос сарий анъана ва қадриятларимиз буй кўрсатади. Лекин, тобора замонавийлашиб бораётган бугуннинг тўйлари ҳақида шундай фикр билдириб бўладими? Уларда кўпроқ шухратпарастлик, дабдабозлик каби миллий менталитетимизга мутлақо ёт унсурлар кўзга ташланиб қолмаяптими?


Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказиш тартибига солишга оид фармони қабул қилинган эди.

Унда мамлакатимизнинг кўп жойларида шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт

одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби асоратларга йўл қўйилаётгани таъкидланган. Дарҳақиқат баъзи кимсаларнинг ким ўзарга тўй қилаётгани, миллий қадриятларимиздан саналган тўй бериш, айрим калтабин одамларнинг носоғлом мусобақасига айланаётгани ҳеч бир мантқиққа, ақлга сиймайди.

Шухратпарастлик ортидан қувган айрим пулдор одамлар ўзини, молу-давлатини кўпчиликка кўрсатиш учун, «кўриб қўйинлар, қандай тўй қилдим» қабилда иш тутаётгани ачинарли, албатта. Бу эса дабдабали тўйларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга туширапти. Бугун дўсти ёки дўгонасининг дабдабали тўйини кўрган бола ўз тўйи ҳам шундай ўтишини хоҳлайди. Эртага у ота-онасини ёмон аҳволга туширмаслиги, қийнаб қўймаслиги, оилада турли низолар келиб чиқмаслигига ким кафолат беради?

Биргина бу эмас. Бугунги тўйларимизда афсус билан тилга олинмаган яна қатор «анъаналар» кўзга ташланапти. Масалан, бир никоҳ тўйининг ўзида катта-кичик кўплаб маросимлар ўтказилапти. «Оқ ўрар», «Катта фотиха», «Мол ёяр», «Қизлар базми», «Тўйдан олдинги наҳорги ош» каби ма-



росимлар шулар жумласидандир. Тўйдан кейин эса «Келин салом», «Чарлар» ва ҳайитларда ўтказиладиган тадбирлар бирин-кетин давом этирилади. Уларда қандайдир бир-бири учун қиладиган совға-салом, сарполарни, тоғора-тоғора таомларни айтмас ҳам бўлади.

Бир хил рангли ва русумдаги автомашиналар қаровони, уларнинг турна қатор бўлиб саф тортиб юриш одати ҳам тўйларнинг «ажралмас қисми»га айланиб улгурди, десак хато бўлмайди.

Яна бир нарсаси. Авваллари, кимдир тўй қилмоқчи бўлса, ҳовлиси ёки кўчасини буз билан ўраб, чанг-тупроқ ичида тўй ўтказарди. У даврларда ҳозирги барча шайларга эга миллий ва замонавий меъморчиликнинг ёрқин намуналарини қўлда акс эттирган тўйхоналар қайда эди дейсиз. Аммо кўнглини хижил қиладиган томони баъзи тўйхоналарнинг номлари миллий менталитетимизга қанчалик мос? Ҳар қадамда ана шундай «оригиналика» йўл қўйсақ, миллий маънавиятимиз, бебаҳо қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни қаерда қолади?

Президент Фармонининг бажарилиши Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси зиммасига юклатилган. Фирқимча, жамғарма Фармон ижроси бўйича барча оқсоқоллар масъулигини янада ошириши, бу борадаги назоратни кучайтириши зарур. Тўй-ҳашамлардаги ҳаддан зиёд исрофгарчиликка қарши жамоатчилик назорати ўрнатилган тизимини йўлга қўйиш, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзига тўқ оилалар дабдабаю-асъаса билан дастурхон ёзиб, исрофгарчиликка берилгандан кўра, меҳр-муруват кўрсатиб, муҳтожларга, бевабечорларга ёрдам берсалар, топган даромадларини турар жой, кўчаларни обод қилиш каби савобли ишларга сарфласалар сохта эмас балки ҳақиқий обрў орттиришган бўларди.

Эркин ИБРОҲИМОВ, меҳнат фахрийси.

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihidin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vakolatparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746 10676 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 20.43 Topshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **MIRFAYZIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2008-7433

1 2 3 4 5